


“ФАРҒОНА ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ХУДУДИЙ КОРХОНАСИ” АЖ

БЕШАРИК ТУМАН ЭТК



Юридик истеъмолчилар учун электр
таъминоти

ШАРТНОМАСИ

2022 йил

**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
ШАРТНОМАСИ**

2022 йил “21” январ

1/М/2022-сон

Бешарик шаҳри

Фарғона ХЭТК АЖ асосида фаолият юритувчи Бешарик ТЭТК Раҳбари Ж.Эшқўзиев (кейинги ўринларда “Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда НИЗОМ асосида фаолият юритувчи Бешарик тумани халқ таълими бўлими раҳбари В.Абдурахмонов (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади), ҳисоб рақами – 33 01 83 иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, Корхона истеъмолчига электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 234 200 кВт.с. реактив - кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи 450 сўмни, тариф бўйича 105 390 000 ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, ҳудудий электр тармоқларикорхоналари томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнатилади, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (**бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно**) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади. Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: ярим тиғиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича, тиғиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта миқдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали; тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади. Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади. Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади. Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади. Истеъмолчи томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб

килинади. Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади. Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “25” санасигача ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этади. Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади. Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир. Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланганҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади. Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади”.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибида Бюрога мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади. Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади. Корхона томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(АСОС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади. Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб

равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади. (6-,7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиреди)

3.9 Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзади ва истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади. Бюро ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб олгандан кейин, корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Бюро истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари (маиший истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва Бюрога белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил.электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. ЭҲНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади. Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш асбобларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади. Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди. Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади. Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асосан)

3.13. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади. Агар “истеъмолчи” солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси қарзни ундириш учун шартномавий ҳажмдан келиб чиккан ҳолда Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов

талабномаси куйиш йули билан, ҳамда бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида “Бюро” томонидан мажбурий ундурувга каратишга, шунингдек суд (судларга) ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишга ҳақли.

3.14. Истеъмолчини куйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади: шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда; ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда; Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл кўйилмаганда; ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралаштириш ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилганда; электр энергиясидан ўғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда; шартнома, электр таъминоти лойиҳаси ва техник шартлар мавжуд бўлмаганда; электр таъминот лойиҳаси ва техник шартларга мос келмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди. Бюро ва электр тармоқлари корхоналари томонидан истеъмолчининг ҳақиқатдаги қарздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилган ҳолда электр тармоқларидан ажратилади.

3.16. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати баргараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди. Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди. Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.19. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади; Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан; Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон қарорининг 3-бандини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатилмаган коммунал хизматлар (табiiй газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси, электр энергияси, телефон, оқова сув ва маиший чиқиндиларни ташиш)га тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга: Истеъмолчининг электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш; сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш; электр энергияси

етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш; Корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши ва сураётган қушимча миқдор учун 100% олдиндан тулов амалга оширилган булиши лозим; электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш; Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш; Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш; энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш; электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш. Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур: белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш; фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш; эксплуатация қиладиган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш: электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш; эгаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш, ижарага расмийлаштириш ёки бошқа сабабларга кура кучиб кетган тақдирда, бу ҳақда электр таъминоти корхонасини ёзма равишда хабардор қилиш; ЭЭХНАТ (АЙСКУЭ) тизимини барқарор доимий ишлаб туришини таъминлаш; энергетика тизимининг «Электрохисоб» компьютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон рақамига (боғланиш нуктасига) «СМС» орқали юборилган хабарнома, огохлантириш хатларига уз вақтида муносабатларини билдириш ва зарур ҳолда дархол энерготаяминот корхонасига аниқлик киритиш мақсадида маълум қилиш; энергетика тизимининг «Электрохисоб» компьютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон рақами (боғланиш нуктаси)га шунингдек бошқа бирон реквизитлари ўзгарган ҳолда ҳолда истеъмолчи дархол электр таъминоти корхонасига хабар бериши; Бюро ва «Ўзэнергоинспекция» қонуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш; Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш; Бюро ва ёки Корхона вакилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рўхсат бериш; йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қамада бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманомга бериш; келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш. Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур: истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори, энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юқламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи, энергетика тизимининг энг кўп юқламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини. Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин. Уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар мазкур Қоидаларнинг 127-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур: маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиш — умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик — уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш; корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр

энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш; маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш; электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истикбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга: Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш; ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш; авария режимида, Бюрони хабардор қилиб Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш; электр хужалиги объектларида авариявий ҳолатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш бўйича кечиктириб булмайдиган чоралар куриш зарур бўлганда истеъмолчини огоҳлантирмай ва у билан келишмай унга энергия етказиб беришни чеклаш; Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭҲНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш. Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур: Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш; ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш; электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш; Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш; киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш; электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш; Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш; Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш; Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш; сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш. Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар: Истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, ҳудудий электр тармоқлари

корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун; захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчини Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавқулотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди. Электр энергия таъминоти корхонаси узи билан боғлиқ булмаган вазиятлар оқибатида мавжуд булган чеклашлар киритилганда, “электр қурилмаларини тузилиши қоидалари”нинг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 бандларига асосан истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончилиги тоифаси (категория)га тугри келмаган (лойиха талаблари бажарилмаганда) холда истеъмолчиларда киритилган даъво ва талаблари буйича келиб чиқадиган низолар буйича истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабр гача бўлган муддатга тузилади. Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди ва кейинги ойдан кучга киради. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган холда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январда 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ: Бешариқ тумани халқ таълими бўлими

Юридик манзили Бешариқ шаҳри Дўстлик кўчаси 8-уй

Ҳисобрақами _____

Банк коди (МФО) _____ **(ИНН)** _____

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фондининг ҳисобрақами 100022860302157092100075059

Банк коди (МФО) 00014 **(ИНН)** 200155197

Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисобрақами _____

Банк коди (МФО) _____ **(ИНН)** _____

ҚҚС тўловчининг коди _____

Телефонлар; _____ **Факс;** _____ **e.meil:** _____

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли ,факс телефонлари коди электрон манзил ёзилади)

Кадастр№ _____

Статистик кодлар:

ОКЭД _____

СООГУ _____

СОАТО _____

КФС _____

КОПФ _____

ОКПО _____

КОРХОНА: Фаргона ХЭТК АЖ асосида фаолият юритувчи **БешарикТЭТК**

Почта манзили: Бешариктуман Бешарик шахри Нурчилар кучаси №7уй

Ҳисоб рақами: 22636000900215289452

Банк коди (МФО): 00494 (ИНН) : 200144930

ҚҚС тўловчининг коди: 330160012924

Телефонлар: 61 21 087 Факс: 61 21 4 26

Статистик кодлар:

СООГУ : 11170

СОАТО: 1730215

Истеъмолчи:

В.Абдурахмонов



Корхона:

Ж.Эшқўзиёв

М.Ў., имзо, лавозими, Ф.И.О.



Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи _____
2. Фаолият тури _____
3. “Истеъмолчи” электр қурилмаларининг уланган қуввати: _____ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват _____ кВт
5. Электр таъминоти ишончилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) _____
6. Ҳисоб-китоб тури: _____

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган (керакиси ёзилсин)

	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
Йил, жами	234 200				
Январ	78066				
Феврал	78066				
Март	78068				
Апрел					
Май					
Июн					
Июл					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					

Ташкилот кунига ишлайди _____ соат, ойга _____ кун

Умумий юкга нисбатдан сменалар бўйича юкланиш % I _____, II _____, III _____

Истеъмолчи

В.Абдурахмонов



l, сана)

Корхона

Ж.Эшқўзиёв



М.У (Имзо, Ф.И.Ш, сана)



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG‘ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
BESHARIQ TUMAN YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI

150300, Beshariq tumani, Oltin Vodiy ko‘chasi, 46-uy, tel.: (998 73) 612 21 19,
www.farg‘ona.adliya.uz, el.pochta: beshariq.t-yurmarkaz@adliya.uz

24.01.2022 yil

Beshariq tuman
Xalq ta‘lim bo‘limi

XULOSA

(xalq ta‘lim bo‘limi
1-sonli shartnoma loyihasiga)

1.Loyihaning turi: Shartnoma.

2.Loyhaning nomi: Byudjetdan mablag‘ oluvchi tashkilotlarini elektr energiyasi bilan ta‘minlash to‘g‘risidagi № 1-sonli shartnoma.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot: Beshariq tuman Xalq ta‘lim bo‘limi tomonidan 2022 yil 21 yanvar kuni ishlab chiqilib, shu kuni markazga taqdim qilingan.

4.Loyiha bo‘yicha taklif: Beshariq tuman xalq ta‘lim bo‘limi hamda Farg‘ona HETK AJ asosida faoliyat yurituvchi Besharik TETK o‘rtasida elektr energiyasi bilan ta‘minlash to‘g‘risidagi № 1-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi mazmunan o‘rganib chiqildi.

Shartnoma loyihasi O‘zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi 670-I-sonli “Xo‘jalik yurituvchi sub‘yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonunining 10-moddasi (Xo‘jalik shartnomasiga nisbatan qo‘yiladigan talablar)ga muvofiq ishlab chiqilgan.

O‘zbekiston Respublikasi 2021 yil 22 apreldagi O‘RQ-684-sonli “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonunining 71-modda, 1-qismi, 1-xatboshida yagona yetkazib beruvchilar reestriga kiritilgan yagona yetkazib beruvchi bilan davlat xaridini amalga oshirish uchun ruxsat etilgan tovarlarning (ishlarning, xizmatlarning) davlat xaridi to‘g‘ridan-to‘g‘ri shartnomalar bo‘yicha amalga oshirilishi ko‘rsatilgan.

Mazkur qonunining 71-modda, 2-qismida yagona yetkazib beruvchidan tovar (ish, xizmat) olish zarur bo‘lgan taqdirda, yetkazib beruvchi hamda davlat buyurtmachisi o‘rtasida to‘g‘ridan-to‘g‘ri shartnoma tuziladi va bu shartnoma to‘g‘risidagi axborot u tuzilgan paytdan e‘tiboran uch ish kuni ichida maxsus axborot portaliga joylashtirilishi lozimligi ko‘rsatib o‘tilgan.

Farg‘ona HETK AJ O‘zbekiston Respublikasi davlat xaridlari maxsus axborot portalida yagona yetkazib beruvchilar reestriga kiritilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o‘tkazish natijalariga ko‘ra:

XULOSA

Mazkur shartnoma loyihasini tuzish amaldagi qonunchilikka muvofiq hisoblanadi.

Beshariq tuman YuXKM
bosh yuriskonsulti:



X.Abdurafiqov